

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2018
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА

Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш..... 73

ТИЛШУНОСЛИК**К.КАРИМОВ**

Маданиятларо мuloқot ва таржима муаммолари..... 76

У.НОСИРОВА

Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари 80

Н.АХМАДЖОНОВ

Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир 83

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА**

Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари 86

ИЛМИЙ АХБОРОТ**А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА**

Коэффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала..... 89

Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА

Векуа-Эрдей-Лоундес типидаги янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида..... 92

Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ

Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин..... 94

А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ

Шайх Акбар (Улуг Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар 97

У.НАЗИРОВ

Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари..... 100

А.КОСИМОВ

XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари)..... 102

Д.ХУСЕНОВА

Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги 105

А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА

Концептнинг тоифалари..... 108

К.ХОДЖАХАНОВА

Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари..... 110

Б.ҚУРБОНОВА

Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари..... 113

Н.МЕРГАНОВА

Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти..... 115

Э.ДЖАББАРОВА

Модуляр таълим инновацион таълим сифатида 118

И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ

Узлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари 121

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Ибратли ҳаёт йўли..... 124

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография..... 127

УДК: 808.03

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

К.Каримов

Аннотация

Мақолада таржималардаги шакл ва мазмун бирлиги, таржима талаблари қатор асарлар мисолида кенг таҳлил этилган.

Аннотация

В статье представлен всесторонний анализ единства формы и содержания переводов и требований к переводу на примере ряда произведений.

Annotation

The article presents a comprehensive analysis of the unity of the form and content of translations and requirements for translation using the example of a number of works.

Калит сўз ва иборалар: адекват, архитектоника, синхрон, эквивалент, образлик, тасвирийлик, коннотатив, денотатив, программатик, шаклий, матний-меъёрий.

Ключевые слова и выражения: адекват, архитектоника, синхронность, эквивалентность, образность, иллюстрация, коннотативный, денотативный, программный, форменный текстово-нормативный.

Keywords and expressions: identical, architectonics, synchronous, equivalence, image, illustration, connotative, denotative, programmatic, shape, textual-normative.

Маълумки, таржимашуносликада таржиманинг тенг қийматлилиги, лисоний шаклларнинг бетакрорлиги, услуби, лексикаси ва грамматикаси хусусиятларининг тӯла тикланиши бу жараённинг устувор белгиларидан саналади. Бунда таржима матни аслиятнинг ўрнини боса олишлиги, асл нусхани тӯлиқ акс эттирувчи, унга мувофиқ ва у билан тенглашадиган таржима тӯлақон таржимадир. Проф. А.В. Федоровнинг таъбирича [1.132-134], тӯлақон таржима аслият мазмунини мукаммал тарзда акс эттириш ва тӯла-тӯкис маъновий-услубий мувофиқликни англатади. Таржима матнидаги шакл ва мазмун, уларнинг ўзига хос барча хусусиятлари бажараётган вазифаларига кўра ҳам аслиятга мос бўлиши керак. Бунинг учун аслият унсурларини сақлаш учун маъно ва бадиийлик жиҳатидан бир хил тил воситаларини ишлатиши кўзда тутилади.

Бундан ташқари тӯлақон таржима З та талабга жавоб бериши керак. У пухта, аниқ ва табиий бўлиши лозим. Яъни аслий матнидаги маъно таржимада тӯлалигича акс этмай, айрим унсурлар ташлаб кетилган бўлса (*omission*), аслият маъносига таржимада бирор нарса кўшилса (*addition*), маъно бузиб талқин килинса (*change*), бу, пухталикка даъво қилолмайди. Агар ўқувчи китоб мазмунини тушунса, унинг тушунчаси муаллиф ниятига монанд бўлса, таржимада нотаниш сўзлар, иборалар бўлмаса, матн

мазмунини тӯғри англашга ёрдам берадиган услуг танланган бўлса, бу аниқ таржима ҳисобланади. Таржима тили омма учун бегона бўлмаса, таржимадаги сўзлар китобхоннинг қалбини "жизиллатса", матн ифодали ва таъсирчан бўлса, у табиий ҳисобланади [2.27-32].

Тӯлақон таржимада асарнинг ўзиға хослиги ва мазмуни, унинг лисоний шаклларининг бетакрорлиги, услуби, лексикаси ва грамматика хусусиятлари тӯла тикланади. Таржима матни аслиятнинг ўрнини босади.

Тӯлақонлилик бадиий таржиманинг асосий мақсади бўлиб, асл матн шакли ва мазмунини бошқа тил воситалари билан қайта тиклашдир. Бундай асар бошқа тилда ўқувчи китобхонда ҳам образлилик, тасвирийлик, ифодалилик, асар руҳи, мароми ва бошқа хусусиятлари билан айнан аслиятдагидай тасаввур ҳосил қилиши зарур.

Шеърий таржима назариясига кўра, шеърий асар мазмуни, эстетик жиҳати, функционаллиги, асар архитектоникаси билан аслиятга тенг бўлиши талаб килинади. Дантенинг "Илоҳий комедия"си А.Орипов таржимасида ана шундай мукаммал, тӯлақон чиқкан. Адекват таржимада хато, янглишликлар учрамаслиги, таржима тили меъёрларининг сақлангани ҳолда асар мазмуни етарли даражада акс этиши керак. Тӯлақон таржима аслиятга мос бўлади. У матнни тӯла, аниқ ва теран тушуниш натижаси сифатида баҳоланади.

К.Каримов – АнДУ ўқитувчisi.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бадиий таржима бир хил фикрлар, ҳистайғулар ва хоҳиш-истакларни муроқотдаги икки тилда турли лисоний воситалар билан қиёслаш имкониятига эга эканлигини кўрсатади.

Одатда мутлақо ўхшаш бўлмаган икки тилда (таржимашуносликда бу АТ - аслият тили ва ТТ - таржима тили атамалари билан номланади) контекстсиз ҳам маънолари бир-бирига монанд ва бир-бирининг ўрнини қоплай оладиган сўз, тушунча, мақол, матал, идиомалар эквивалент, муқобил бирикмалар саналади. Аслиятда ҳам, унинг таржима матнида ҳам улар айнан бир хил вазиятни тасвиirlайди. Умрида болға ушламаган француз мих коқаётib, бармоғини чақиб олиб, "Aie", деса, инглиз "Ouch!", ўзбеклар "Boй!" дейди. Бу муқобил вазият. Ўзбек хўрозининг қу-ку-ку, руслар хўрозининг кукареку, инглизлар хўрозининг куклудуу (*cock-a-doodle-doo*) деб қичқириши ҳам муқобил қичқириқ. Рус фольклоридаги баба-яга, инглизларда *the witch, hag, ogress*; ўзбекларда жодугар, ёсумон, ялмоғиз кампир образлари бадиий воқеликда ҳам "реал" ҳаётда ўзаро ва вазифадош, шунга кўра таржимада улар ўзаро муқобил тасвиirlанади. Бундай ҳолатлар ҳаётда кўп учрайди: меҳнатдаги зарбдор русларда ударник, инглиз тилида эса *shock worker, Stakhanovism; member of a shock brigade; udarnik*. Шунингдек, ўллланма - путевка - pass, permit; order; (travel) warrant, authorization officially sponsored (recreational) travel деб номланади ва шундай ўгирилади. "Каштанка" ҳикоясида "Караул! Пожар! Горим!" деган хитоб бор. Ундаги биринчи сўзни Ҳ.Аҳророва "Қоровул" деб тушунади ва шундай таржима қиласди. А.Қаҳҳор эса "Дод! Ёнгин! Ўт кетди!" деб ўгиради ва А.П.Чехов бадиий ниятига мос муқобил вазиятни юзага келтиради [3.222].

Бошқа тиллардан калька йўли билан "ўгирилган" перемиологик бирикмалар (қўштироқ ичига олганимизга сабаб, баъзи функционал паремалар ва турғун бирикмалар таржима қилинмай, тайёрича олиб алмаштирилади) ва улар муқобил бўла олади. Масалан, куй жеlezо, пока горячо-төмөрни қизигида бос; цыплят по осени считают – жўжани кузда санайдилар; покорную голову меч не сечет – эгилган бўйинни қилич кесмас; проходит красной нитью - кизил ип бўлиб ўтмоқ ва ҳоказо. Одатда, кўриниб турганидек, муқобил бирикмаларнинг фақат маъносигина эмас, балки шакли, ҳатто

объектлари ҳам бир-бирига мувофиқ тушади. Баъзан аслиятдаги битта бирикмага таржимада бир нечта бирикма мос келиши мумкин. Бундай бирикмалар муқобил вариантлар, деб аталади. Масалан, рус тилидаги бежать сломя голову ибораси ўрнига қараб оёғини қўлига олиб чолмоқ, жонини жабборга бериб югурмоқ, ўлкасини кўлтиқлаб чолмоқ каби муқобил вариантлар билан "таржима" қилинади. Улардан қай бирини танлашни таржимон воқеалар жараёни, контекстдаги вазият, тимсол хусусияти ва бошқа ҳолларга қараб ҳал киласди.

Синхрон таржимада нотиқнинг *to put the cat near the goldfish* (мушукни тилла балиқчаси бор аквариумга пойлоқчи қилиб қўймоқ) деган гапини таржимон эчкини полизга қўйиб юбормоқ, деб тўғри ўгиради. Таржима назарияси тамойилларига кўра, боп эквивалент, муқобил вариант танлаш учун биз унинг қуйидаги бешта турини қайд этишни лозим топдик. Улар:

дөнотатив муқобиллик (бу, матн маъно томони, яъни тил, нутқ бирлигининг ички томонини назарда тутади. Тилшунослик ва таржимашуносликда маъно инвариантлиги ёки мазмун плани дейилади);

коннотатив муқобиллик (бу, синонимик тил воситалари ёрдамида матн коннотацияси - лексик бирликнинг асосий маъносидаги эмоционал-экспрессив, услубий ва бошқа қўшимча маъноларни ифодалашни назарда тутади. Таржима назариясида бу услубий муқобиллик дейилади);

матний-меъёрий муқобиллик (бу, матннинг жанр хусусиятлари, нутқ ва тил меъёrlарини тушунишга ёрдам беради. Таржимашуносликда кўпроқ услубий муқобилликни билдиради);

прагматик муқобиллик (бу, ахборотни олувчи (китобхони) назарда тутади. Бу, таржима назариясида коммуникатив муқобиллик деб ҳам юритилади);

шаклий муқобиллик (бу, аслий матннинг бадиий-эстетик, тажнис ва бошқа ўзига хос индивидуал белгиларини иккала тилда ҳам ўхшаш тил шакллари билан ифодалашни кўзда тутади). Яна қўшимча тарзда **маъновий муқобиллик** (бу айнан бир маънони турли усууллар билан ифодалашни) ва **ситуатив, вазиятга даҳлдор муқобиллик** (бунда муайян вазият, маъновий муқобиллиқдагидек, нафақат турли шакллар воситасида, балки ана шу шакллар ёрдамида турли маълум маънолар билан ўгиришни назарда тутади).

Таржимадаги бу муқобиллик турлари динамик муқобилликни таъминлашга хизмат қилади, яъни ўгирилган матн мазмуни, эмоционал-эспрессив салоҳиятини ўқувчига таъсир қуввати ўша текстнинг аслиятда ўқувчига таъсири қувватига тенг бўлишилиги тушунилади ёки таржима ўқувчисининг ундан таъсирланиши аслият ўқувчисининг таъсирланишига ўхшали лозим. Аслият ўқувчиси асаддан таъсирланиб йиғласа ёки кулса, таржима ҳам шундай йиғи ёки кулги ўйғотсин.

Мавзу доирасида фалсафий герменевтиканинг талқин, таҳлил, тафсир, табдил, таҳрир масалаларига қисман бўлсада, тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Юқорида кўрганимиздек, турғун бирикмалар таржима қилинганида, шу усулдан фойдаланилади. Масалан, айрим фразеологик бирикмалар ва адабий санъат тури саналувчи истиора, киноя, мажозлар айнан, сўзма-сўз таржима қилинадиган бўлса, бундай амалдан ҳеч кандай маъно чиқмайди. Қиёсланг:

Родиться в сорочке (рубашке) <-> жуда баҳти; омади бор; баҳт кулиб боқсан, толели киши; пешонаси кўҳлик (пешонаси ярақлаган), to be born with the silver spoon in one's mouth.

Седьмая (десятая) вода на киселе (очень дальний родственник) - офтобда катиқ ялашган – seconds cousin twice in removed.

Гусь лапчатый (хитрый, ловкий человек, плут, пройдоха) <-> илоннинг ёғини ялаган - never at a lose, smart fellow.

Карманная чахотка (полное безденежье) <-> ҳемири йўқ – penniless a penny.

Ходить вокруг да около (говорить не по существу) - гапни олиб қочмоқ; Ходить на голове (проказничать, шалить) <-> бошига чиқиб олмоқ <-> (nothing to speak of) beat about the bush.

Ходить (стоять) на задних лапках (угодничать, прислуживаться) - лаганлик килмоқ -> play pranks.

Ходить по ниточке (повиноваться полностью) - Гаҳ деса қўлига қўнмоқ <-> a tame spaniel.

Дело твоё выеденного яйца не стоит (пустяк, ничего не стоящее дело) <- Сенинг бу ишинг сариқ чақага ҳам арзимайди; бир (уч) пулга ҳам қиммат; олиб ташлаган тирноғимга арзимайди – make obedience to somebody, do obeisance to somebody.

Одатда, уларнинг ҳеч бири хижжавий

ўгирилмайди. Масалан, рус тилидаги «Нет оснований вешать нос» иборасининг маъносини бошни ҳам қилмоқ, бўйинни қисмоқ, at full split - маъюс, ғамгин бўлмоқ деб талқин қилиш мумкин. Яккана-якка, юзма-юз, бетма-бет – face to face, ҳоли, ёлғиз туриб ибораларини мазмунан вазифадош ва тенг қийматли лицом к лицу, tete-a-tete, deux, in private; just our two selves; hand to hand муқобил вариантлари билан алмаштирилади.

Шунинг учун ўзбекча бирикма мантиқан табиий, инвариант матннадаги доимий, туб, ўзгармас маъно қирралари ёки белгилари билан берилиши даркор. Бундай холларда шакл жиҳатидан аслиятда бўлмаган айрим сўзлар таржимада "қўшилади". Аслида эса "қўшилган" нарсанинг ўрни шаклан аслий матнда бўлмаса ҳам, мазмунан у бор саналади. Масалан, М.Шолоховнинг "Инсон тақдири" асарида " Как ни кроши, а мой родной сын - капитан и командир батареи, это не шутка!" жумласи "Нима десанг, де, ўз пушти камаримдан бўлган ўғлим - капитан, батарея командири, бу ҳазил гап эмас" тарзида ўгирилган. Родной сын бирикмасидаги родной сўзини ўзбек тилига худди шундай сўз билан бериб бўлмайди. Шунинг учун таржимон бунинг ўрнига ўз пушти камаримдан бўлган иборасини қўшиб таржима қилган, аммо бу билан аслиятга зиён етмаган, аксинча, у содда ва тушунарли бўлиб чиқкан.

Русча друг сўзи, маъносининг ҳажми ва бошқа барча семантик белгиларига кўра, инглизча friend сўзига мос эмас. У, тўғриси, русча приятель сўзига муқобил. Русча сўздаги маънавий яқинлик ва эътимодлилик ғояси инглиз тилига фақат бирмунча яқин, яъни close friend - "яқин дўст" тавсифий бирлиги билан берилиши мумкин.

Рус тилидаги атоқли отлар системасида экспрессив (таъсирчан) сўз ясашнинг анча ёйиқ системаси мавжуд. Унинг негизида 20 га яқин димунитив (кичрайтириш) ва пейоратив (камситиш, сўкишга оид лексика) лексикасини (Александр - Сашка - Сашенъка - Сашуля), ўзбек ономастикасида Асадиллоҳ (оллоҳнинг шери, довюрак, жасур бандаси, арслон, "ботир", "жасур", "довюрак" маъноларида келиб, викор, олижаноблик, мардликни англатади), Асадуллоҳ, Асадбек, Асад, Асадбой, Асаджон, Асадтой ва б. бирликларни учратиш ва ясаш мумкин. Уларнинг ҳар бири сўзловчининг аталаётган объектига нисбатан етарли даражада нозик ёки

АДАБИЁТШУНОСЛИК

мураккаб ҳиссий муносабатини ифодалайди (инглиз тилида 2 тадан 4 тагача ана шундай сўз ясовчи кўрсаткичлар бор). А.Вежбицкаянинг фикрича, бу, рус кишиларининг одамларга муносабатининг юқори даражада эканлиги, ҳиссий яқинлик асосида мулоқотга кира олиш имкониятларининг кенглигини билдиради.

Рус тилидаги феъл грамматикасида феъл *иш-ҳаракати* усули категорияси бор. У (феъл асосига префикс ва суффикслар қўшиш йўли билан) турли-туман, баъзан бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайдиган ҳаракат турларини ифодалашни кўзлайди (бегать - забегать, набегаться, отбегаться, разбегаться ва б.). Яна бир мисол: инглиз тили грамматикасида феълнинг тугалланганлик, якунланганлик маъноси ҳозирги замон шакли – Present Perfect Tense билан берилади. Ҳозирги замон рус тили грамматикаси феълнинг ҳозирги замон шаклида фақат якунланмаган, давомли иш-ҳаракатни (феълнинг тугалланмаган тури)ни билдиради.

Номинатив маъно сатҳидаги қадриятлар системаси соҳасида энг аҳамиятлиси, аввало, баҳо тасаввурлари иерархиясидир. Хусусан, колектив тафаккур, фақат салбий хусусиятларнига махсус белгилаб, ижобийликни меъёр ҳисоблайди. Жинс билдирувчи ҳодиса ва тушунчалар хусусиятининг ижобийликка, тур тушунчаларига айланиши шундан: *сифат* бу шунчаки "сифатлилик" эмас, балки "яхши сифат" - *сифат* белгиси идиомасига эътибор қилинг; *качественный* (сифатли) ясама сифат (сўз туркуми) ҳам шунчаки "сифатга дахлдорлик"ни эмас, "яхши сифатлилик", "ақлли" шунчаки "ақли бор", "мияси жойида" эмас, балки "яхши ақл соҳиби, эсли-хушли" (рассудительный, разумный). Эътибор қилсангиз, масалан, *количественный* сўзида шундай семантик кўчиш (маъно ўзгариши) юз бермайди - *количественный* сифати "имеющий большое количество" (катта микдорга эга) маъносини билдирмайди.

Лисоний менталитетга коннотатив

сатҳда баҳо беришнинг ўзига хослиги ўхшаш номинатив маъноли, фақат баҳоловчи коннотацияси билан фарқланувчи турли тил бирликлари билан қиёсланганда яхши кўринади. Масалан, инглизча *ambitious* "стремящийся к (чему-л.)" (бирор нарсага илимок); жаждущий (чего- л.," (орзуманд, иштиёқманд, ташна) сўзини унга мос ўзлаштирилган *амбициозный* (иззати нафс, нафсоният; жizzakiли克; нафсонияти кучли одам, сал нарса ҳам иззати нафсига тегаверадиган одам) сўзи билан алмаштириб бўлмайди, чунки унинг русча вариантида негатив баҳо кучли. Бу маънони аникроқ ва инглизчадаги ижобий баҳони сақлаш учун *честолюбивый* шухратпаст, иззатталаб, мулозаматни яхши кўрадиган сифатини қўллаш маъқул. Таржима жараёнида сўзнинг бир неча синоними ичидан семантика, этимология, морфология ва бошқа жиҳатлардан аслиятга энг яқин, тўғри, айнан бир хил маъноли, деб саналган сўз танлаб олинади. Аналог синонимлар қаторидаги сўзлар таҳлилидан келиб чиқиб аниқланади. Профессор F. Саломовнинг фикрича, ҳар бир сўзнинг ўз услуги бор. Имло луғатидаги сўзларга қараб, уларнинг услугуб хусусиятларини аниқлаб бўлмайди. Сўзларнинг услугуб хусусиятлари бадиий матн ичидан, сўзларнинг бирикишида очилади. Масалан, "ўлмоқ" маъносидаги *вафот* этди, жони узилди, жони чиқди, ҳалок бўлди, нафаси тинди, куни битди, бу дунё билан *иши тугади*, бу дунё билан ҳисоб-китобни узди, ажал олиб кетди, ажал тегди, кўзи юмилди, ҳаёт билан видолашди, дунёдан ўтди, оёқ чўэди, қулоғи остида қолди, абадий уйкуга кетди, бандаликни бажо келтирди, бандалик қилди, нариги дунёга сафар қилди, асфаласофилинга жўнади, омонатни топширди каби бирикмаларнинг ҳар бири ўзига хос стилистик маънога эга. Бу стилистик вариантларнинг ҳар бирини ўз ўрнида ишлатишнинг катта амалий аҳамияти бор, башарти, улар ноўрин қўлланилса, жуда қўпол хато келиб чиқиши мумкин [4.131-132].

Адабиётлар:

- Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983.
- Барнуэлл К. Перевод Библии. Введение в принципы перевода. Biirbachliolzhausen, 1990.
- Саломов Ф. Тил ва таржима. –Т.: Фан, 1966.
- Жўраев ва б. Таржимашунослик. – Т.: Akademnashr, 2015.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).